



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 28 июн, жума № 103 (1320)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А.Р.Аҳмаджоновни Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Раҳматович Аҳмаджонов Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 27 июн

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!
Аввалмбор, сизларни бугунги кунга қутлуғ байрамнинг - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.
Бугун биз матбуотчилар кунини, шу соҳага алоқадор бўлган барча касб эгаларининг байрамини нишонлар эканмиз, бу борада эришган ютуқлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган ўта муҳим масалалар тўғрисида, уларни ҳал этиш йўлида қўяётган қадимларимиз ҳақида очикчасига фикрлашиб олишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.
Бу муаммоларнинг муҳимлигини шундаки, улар бизнинг бугунги ҳаётимиз ва келажакимиз билан беvosита боғлиқ бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш, мамлакатимизнинг ҳаққаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шулар қаторида энг долзарб вазифа - жамиятимиз ҳаётида сўз эркинлиги тамойилини тўла татбиқ этиш, бу масалада ривожланган демократик давлатлар эришган даража ва андозаларга этиб боришдан иборатдир.

Ана шундай юксак марраларга эришиш учун кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбуотнинг эркин фаолияти учун зарур қарорлар ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилиниши ва қилинмоқда.

Лекин, ҳолисона тан олишимиз керак - бу борада амалга оширилган тадбирларга нисбатан ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз талайгина.

Бу тўғрисида гапирганда, бир ҳақиқатни очик айтишимиз керак: бугунги кунда бизнинг матбуотимиз, радио ва телевидение-мизда кўпроқ ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар, эришган ютуқларимизни акс эттириш кўзга ташланади. Бунинг аҳамияти ва муҳимлигини ҳеч ким рад этолмайди, албатта.

Аммо, кўзга кiritган марралар билан бир қаторда, қанча-қанча одамларимизнинг норозилигини уйғотган, жамиятимизни орқага тортаётган муаммо ва нуқсонлар, йўл қўйлаётган камчилик ва хатолар мавжудлигини ҳақиқат гапирганда бўлмайди.

Энг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурга эга бўлган одамлардан иборат, деб ҳисоблаш катта хато бўлув эди.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: мана шундай турли хил қарашлар, ўзаро қарама-қарши бўлган фикрлар матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларимиздан ўзига ўрин топаётими?

Бугун масалани мана шу тарафдан қўйиб вақтинчалик, деб ўйлайман.

Ҳеч кимга сир эмас - бугун бизнинг бу масалада оқсоқилишимизнинг асосий сабабларидан бири - яқка мафкура ҳужм сурган мустақаб тизимнинг қон-қонимизга, суяк-суякларимизга сингиб кетган асорат ва таъсирлари, оғимизда қишан бўлиб тургани, ҳали-бери ўз кучини сақлаб келаятган эскича қарашлардир.

Ҳозирги замон талаблари барчамиздан бундай эскича фикрлар таъсиридан халос бўлишни, оғз кечини талаб қилиб, бонг урмоқда.

Халқимизнинг тафаккури ва сиёсий савияси, маданияти тобора ўсиб, жамиятимизда соғлом қарашлар муштаҳамлашиб бораётган ҳозирги шароитда, одамларимиз қанча-қанча машаққатли синваларни, суронли кунларни бошидан ўтказиб, оқин - оқ, қора-

ни - қора деб ажратиш учун етарли тажрибага эга бўлган бир пайтда, ҳеч шубҳа йўқки, ҳаётимизда мавжуд бўлган бошқа фикр ва қарашларни ҳам матбуотимиз саҳифаларида, телевидение экранларида, эфир тўлиқларида акс эттириш ва улардан тегишли хулоса чиқариш вақти келди, деб айтсак, айни мудоао бўлади.

Ҳаммамиз шуни чуқур англаб олишимиз керакки, ҳар хил хуфёна гаплар, миш-миш, уйдирма, бўхтон ва овозлардан фойдаланмасдан, одамлар ҳолис маълумотлар ва гаплардан матбуот орқали хабардор бўлса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам фақат наф кўради. Жамият ҳаётининг томар уришини белгилайдиган матбуот ва ахборот соҳасида шундай сиёсат юритилганда, турли пинҳона хатти-ҳаракатлар учун ҳеч қандай асос қолмайди, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонларини матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик ҳолисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғривуллик муҳити ҳужмон бўлади.

Чунки ютуқини - ютуқ, камчиликни - камчилик, жиноятини - жиноят, хийнатини - хийнат, деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ - том маънода демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради.

Ана тақдирлаб айтганда, бу масала нафақат матбуот, ахборот ва матбуот соҳаси ходимларига, балки жамиятимизнинг барча қатламларига тааллуқли бўлиб, биринчи галда мутасадди ва раҳбар шахсларнинг энг долзарб вазифасидир.

Аммо бу вазифани ечишда аввало матбуотчилар, журналистлар ташаббускор бўлиши, бу галат муҳим масалани доимо диққат марказида тутиши зарур, деб ўйлайман.

Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, журналистларимизнинг мураккаб ва машаққатли меҳнатини эътироф этган ҳолда, уларнинг катта билим, тажриба ва малака талаб қиладиган шароити қасби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биланман.

Чунки доимо эл-юрт дарду ташвишлари билан яшаи, адолат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига қарши, жамиятимизда, ҳаётимизда учраб турадиган мансабдорларнинг ўз вазифасини суистеъмол қилиши, тўрачилик, беғамлик, лоқайдлик ва бепарволик ҳолатларига қарши курашиш ҳаммамизнинг ҳам қўлидан келмайди.

Сиёсат ҳақида гапирганда - сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида - иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар ҳуусида фойласуф бўлиб баҳса қилишни - мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдида энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Мен халқимизнинг азалий орзу-умидларини, асрлар давомида интилиб келган эзгу мақсадларини рўйбега чиқаятган ҳозирги кунларда юрт тинчлиги, Ватан равоқли, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишда жонқур ва фидойий журналистларимиз жамиятимизнинг суянчи ва таянчи бўладилар, деб қатъий ишонман.

Сизларни бугунги байрамнинг билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга мустақкам соғлиқ, ижодий ютуқлар, омад ва бахту саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ



Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улўғвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий ўйғокликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланаётир. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, оғир ва сермашаққат меҳнати мужассамдир.



Пойтахтимизнинг Мирзо Улўғбек номидаги сўлим боғида 27 июн - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари хо-

дилари байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда журналистлар ва матбуотчилар, турли вазирлик, қўмита, муассаса, идоралар вакиллари, газетхонлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Байрамда сўзга чиққанлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари миллий истиқлол гоғларини кенг тарғиб этиш, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, орзу-интилишларини кенг акс эттириш, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада юз бераётган ўзгаришлар, исло-

ҳотлар жараёнини ҳаққоний ва тезкор ёритиш борасида журналистлар олдида турган масъулиятли вазифалар ҳақида гапирди. Доимий эътибори, самимий истаклари учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Президентимиз табригида таъкидланганидек, журналистларимиз ҳаётнинг олдинги сафларидан юриши, мамлакатимиз ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишида, жамоатчиликни ўйлантириб турган мураккаб саволларга жавоб топишда кўмакдош бўлмоғи лозим.

Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришни янада кучайтириш, улар саҳифасидан жамиятдаги мавжуд турлича қарашларга кенг ўрин бериш, ҳаёт ўзгаришларини ҳолис ва ҳаққоний ёритишда жамиятимиз суянчи ва таянчи бўлиш борасидаги фикрлари республика қалам ахлини янги иқодий изланишларга даъват этади. Тадбирда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг яхши журналис-

Таниқли санъаткорларнинг катта концерт дастури байрамга ўзгача фойза ва шукў бағишлади. Тадбир доирасида журналистлар ўртасида турли мусобақалар бўлиб ўтди.

Назokat УСМОНОВА,
Ўза мухбири.

Икром ХАСАНОВ
олган суратлар.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АХМЕТ НЕЖДЕТ СЕЗЕР ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари,
Сизни ва Сиз орқали барча қардош турк халқини футбол бўйича Туркия миллий терма жамоасини ХУҲ жаҳон чемпионатининг асосий ҳал қилувчи босқичларидан бирида қатнашишга сазовор бўлгани билан Ўзбекистон халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан самимий табриклайман.

Туркия миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги ўйинлари кўплаб футбол ишқибозларининг ҳақли олқишларига сазовор бўлмоқда. Уларнинг ушбу чемпионатдаги муваффақиятлари мамлакатингиз спортчилари учун ҳам, халққаро футбол оламида ҳам катта воқеа бўлди.

Ўзбекистонда Туркия жамоасининг Корея ва Япония футбол майдонларидаги моҳирона ва тезкор ўйинлари диққат билан кузатиб борилди ва финал босқичларига чиқишдаги ҳар бир галабаси ўзбек ишқибозларини беҳад севинтирди.

Фурсатдан фойдаланиб, турк футболчиларига халққаро спорт майдонида янги дундан янги галабалар ва улкан натижалар тилайман. Ишонманки, турк спортчиларининг ютуқлари нафақат турк халқлари, балки миллионлаб жаҳон спорти муҳлис-ларига гувонч бахш этади.

Эхтиром ила,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«Ишонч» ёрдами билан

Меҳнаткашларни ижтимоий химоялашда касаба уюшмаларининг роли катта. Улар бирор муаммоли вазиятга дуч келишса биринчилар қаторида касаба уюшмаларига таянишади.

Худди шундай ёрдам сўраб шу йилнинг апрел ойида Формишлик 40-мактаб ўқитувчиси Шухрат Исмоиловнинг тахририятга ёзган мактуби бизни бефарқ қолдирмади.

ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Мактубда ёзилишича, 1994 йилдан буён химия, биология ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаятган Шухрат Исмоилов 2001 ўқув йилида унга дарс берилмаганлиги, қонуний ишдан бўшатилмаси-да, ҳеч бир асосиз 16 ноябрдан ишсиз ва маошсиз юрганлиги, 16 ноябрдан лаборантлик вазифасига ўтказилганлигини қуонини ёзганди. Қолаверса, Исмоилов бу ҳақда туман халқ таълими бўлими мудири ва туман халқ таълими касаба уюшма қўмитаси раисига ариза билан мурожаат қилса-да, аризаси натижасиз қолганлигини таъкидлаган.

«Ишонч» хатни текшириш ва ўқитувчи мушқулини осон этишда амалий ёрдам берилишини сўраб Жиззах вилояти касаба уюшма Кенгаши юборди. Ва ниҳоят адолат қарор топганлиги, Ш.Исмоиловнинг ишламай юрган кунлари учун пуллари ундириб берилганлиги ҳақидаги жавоб хати олинди.

Қишлоқда саноат одими

Қишлоққа саноатни олиб кириш, ишлаб чиқаришни чет эл технологияси ҳамда инвестицияси билан қуроллантириш олдинизда турган долзарб вазифалар сирасига қиради.

АРЗОН ВА СИФАТЛИ МАХСУЛОТ ХАРИДОРНИ ЎЗИ ЧАКИРАДИ

Ангор тумани Сурхондарё вилоятининг иқтисоди камол топаётган худудларидан бири ҳисобланади. Галладан юқори ҳосил етиштирилади. Давлатга галла топшириш 120 фозга баҳарилди. Ҳали далаларда ўрилмаган майдонлар тўртдан бир қисmini ташкил этади.

— Халқимизда «Дони борнинг нони бор, нони борнинг мана йўқ», деган мақол бор. Демак, дастурхонимиз ҳар қачонгидан мўл бўлади, — дейди туман хокими.

Туманда 90 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқлар ўта тигиз. Ҳар бир қарич ер ҳисобда. Шунинг учун янги иш ўринларига эҳтиёж катта. Бунга эса энг аввало, саноатни ривожланиши, унга хориж технологиясини олиб кириш орқалигина тезроқ эришиш мумкин. Қувончлики, илк қадамлар қўйилди. Бунинг қандаги «Ангорнон» ҳиссадорлик жамиятида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам билиб олсак бўлади.

Заводда 75 киши меҳнат қилади. Иш шароитидан барча мамнун. Шу боис бу ерда ҳар ким ўз вазифасига онгли ёндашади. Давр талаби эса қатъий: арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб этади. Бунинг қалбдан ҳис этган ишчи-хизматчилар ўтган йили олинган соғ фойдадан янги технология сотиб олишга қарор қилишганди. Яқинда «Ўзбеки-ландинг интернейшнл А.О.» СП ва АОЗТ ҳамкорлигида Италияда ишлаб чиқарилган, соатига юз килограмм нон ва нон маҳсулотлари, макорон тайёрловчи янги технология сотиб олинди. Айни кунда бу технологияни тўлиқ ишга тушириш мақсадида унинг иккинчи линиясини ўрнатилга қиришилди. Бу тадбирлар ниҳоясига етгач, вилоят аҳолисининг замонавий қадокланган макорон, печенье ва шунга ўхшаш турт хилдаги маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имконияти яратилди.

ди корхона раҳбари Норсоат Нориев. — Ўтган йил шу даврда 543 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, бу йил бу кўрсаткич 780 тоннадан ошди.

Халқимиз азал-азалдан хунарманд. Уларнинг малакаси инобатга олиниб қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Хўжай пок» номи билан етказиб берилаётган, ошқозон, жигар, ўт йўлларига малҳам бўлган газли сув барчага мансур бўлмоқда.

Яхши дам, меҳнатга ҳамдам. Албатта, яхши ишлагандан кейин, шунга яраша ҳордик олгинг келди. Яқинда корхона раҳбарияти касаба уюшмаси ташаббускорлигида республикамиз бўйлаб уч кунлик саёҳат уюштирилди. Корхонанинг 47 нафар аъзоси Бухорода бўлишиб, Имом Бухорий каби аждодларимиз қадимжоларини зиёрат қилиб қайтишди.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

«НАМ-KON»НИНГ ЯНГИ ҲАМКОРЛАРИ

Наманган вилояти Косонсой туманидаги «НАМ-KON» кичик корхонасига «Москва-Новосибирск» кўп тармоқли савдо фирмасидан мактуб келди. Унда мазкур корхонада тайёрланаётган олма, нок ва сабзи шарбатлари сифатли ва экологик жиҳатдан тоза эканлиги эътироф этилган.


Тадбиркор Қодирхон Муталовнинг Чиндовул қишлоғида мева шарбати ишлаб чиқарувчи хусусий корхона очганига кўп бўлгани йўқ. «НАМ-KON» ишга тушгач, 48 киши иш билан таъминланди. Ўтган мавсумда корхонадан икки минг тоннадан зиёд мева қайта ишланди ва ярим литрли бежирим идишларда истеъмолчиларга етказиб берилди.

Исроил технологияси асосида ишлаётган «НАМ-KON» хусусий корхонаси бу йил йирик даналик меваларни қайта ишлашга ихтисослаштирилмоқда. Шу кунларда АҚШнинг «Прагма» корпорацияси бош мутахассиси Фред Биллербек Косонсойга келиб, Наманганнинг сархил меваларидан концентрат ишлаб чиқарувчи янги линияни ўрнатишда иштирок этмоқда.

«ЗАРМЕТАНСУТ» ИШ БОШЛАДИ

Қизилтепа туманида кўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. «Зарметан» ширкат хўжалигида Ўзбекистон-Туркия корхонаси иш бошлади. Туркиянинг «Бартек» ширкати ҳамкорлигида барпо этилган корхона бир кунда 5 тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда тайёрланаётган пишлоқ, қатик, сут, сариёғ махсулотларининг бир қисми савдога чиқарилаётган бўлса, қолгани болалар боғчалари ва касалхоналарга етказиб берилмоқда.

(ЎЗА).



Республикамиз далаларида галла ўрими-йиғими авжи паллада. Китоб туманидаги Шодмон Умаров номи ширкат хўжалиги миришкорлари ҳам бу йилги ҳосил чўғидан умидлари катта. Айни пайтда ризқ-насиба манбаини исроф қилмасликка эътибор кучайтирилган. Ҳозиргача мавжуд майдонларнинг асосий қисми ўриб олинди.



Ўрнимда фаол иштирок этаётган механизаторлардан бири. Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

Ҳозирги бозорларимизни бундан ўн беш-йигирма йил олдинги бозорларга қийслайман. Илгари ўз махсулотингизни эркин сотолмас эдингиз. Томорқангизда етиштирилган мева ёки сабзавот ва поллиз махсулотларини сотмоқчи бўлсангиз, аввало томорқангиз борлиги ҳақида, шу махсулотни ўзингиз етиштири-

нингиз ҳақида, уни санэпидстанциядан текширишдан ўтказганингиз ҳақида ва ниҳоят, уни сотиш учун рухсатномагиз борлиги ҳақида справкалар талаб қилишарди. Бу справкаларни олиш эса осон эмасди: чўз-чўздан безор бўлиб «бор-э, чириса чириб кетсин, сотмагани бўлсин» деб қўл силтаб қўяқолар эдингиз.

ҳақини белгилаш ва тақсимлашда тенглаштириш тартиби ўрнатилганлиги боиси шундан. Бу тартиб-қоида моҳият жиҳатдан сергайрат, ишбилармон, тадбиркор, ташаббускор одамни бўғишга, ишққмас, дангаса, укувсиз одамни рағбатлантиришга хизмат қиларди. Яъни, умумнатихага ҳисса ҳар хил, бироқ манфаат бир хил. Муҳими, би-

Юртни обод ва умрни зиёда қилмоқчи бўлсангиз

нەқарашимиз-у онг ва тушунчаларимизни, ҳатто оддий оdatларимизни ҳам ўзгартириб юборди. Энди йигитчалар қадоқланган гўшларни сумкаларга яширмайдиган, қиз-келиндар саватдаги тандир нонлари билан муолишма-муолиш қочиб юрмайдиган, кўча-қуйда писта, қурут, хўрозқанд сотувчилар пенсия дафтарчаларини кўрсатмайдиган, энг муҳими, деҳқон ўзининг деҳқонлигини, қосиб ўзининг қосиблигини, пазанда ўзининг пазандалигини, мисгар ўзининг мисгарлигини ҳамда сотаётган махсулотни ўзиники эканлигини исботлайдиган справкалар олиш учун идорам-идора сарсон бўлмайдиган бўлиши.

лардан бири. Унинг савобига нима етсин. Ишончимиз комилки, келажакда бизнинг миллионерларимиз хорижий тараққий этган давлатларидаги миллионерларга етиб олиб, ҳатто улардан ўзиб ҳам кетдилар. Албатта, бойларимиз тўплаган бойликларини ўз биланларича сарфлашга ҳақлидирлар. Назаримда ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз бўлган закот беришдан кейин хайр-эхсон туришига ҳеч бир изоҳ талаб қилмайдиган ҳақиқат. Хайр-эхсон яхши инсонларнинг инсонийлик кўрки. Киши садақа-эхсон ва мурувват эшигини очса, Тангри унинг молу дунёсига барака ато этади, дейилади Ҳадисда. Биз бойларимизга сахийликни раво кўраемиз. Улар қанчалик кўпайса, хайр-эхсон ва саховатпешалик учун шунчалик кенг имконият яратилади.

Умуман, деярли ҳамма соҳада хусусий тадбиркорлик кенг қулоч ёйди. Тадбиркорларнинг фаолиятлари ва ҳақ-хуқуқлари қонун билан кафолатланди. Энди ташаббускор, ҳаракатчан, қўлида ҳунари бор одам хор бўлмайди. Энди иш ҳақидан ташқари қўшимча даромад олиш учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Ҳаракат қилганга барадат ёғилади, ёғилапти ҳам. Натихада ўз миллионерларимиз пайдо бўлаёпти. Бу ижобий ҳолат. Улар кўпаяверсин. Ҳалол йўл билан бойлик орттирган одам қандини урсин, бойлигини аввало тўйга ва бошқа эзгу ишларга сарфласин. Хайр-эхсон ана шундай эзгу иш-

Агар хайр-эхсон етимларга, сарғирларга, бева хотинларга, қаровчиси йўқ ёлғиз қарияларга, касалманд одамларга, муҳтож оилаларга берилса, унинг савоби яна ҳам улуг. Ишончимиз комилки, сахийлик қилиб савоб олам, деган бойларимиз бунни яхши билишади. Хайр-эхсон ва меҳр-мурувват сахийлик кўрки. Иброҳим НОРМАТОВ, «Туркистон-пресс».

ҲАРАКАТ ҚИЛСАНГ, БАРАКАТ ЁФИЛАДИ

қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишарди. Акс ҳолда киракашлик қилапти, деган тамға бошишарди. Бундай ҳолатда, сўзсиз, ё ҳужжатиңиздан, ё пулингиздан айрилдингиз.

ров бировдан яхшироқ яшамаслиги керак. «Казарма коммунизми» деганлари шу.

Умуман, илгари ҳамма соҳада, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча жа-бхаларида шу аҳвол — иш ҳақидан ташқари қўшимча даромад олиш имкониятларидан фойдаланишга йўл қўйилмас эди. Бундан кўзланган асосий мақсад шуки, ҳеч ким бойиб кетмаслиги керак. Ушша пайтда шахсий бойлик орттироқчи бўлганларга ёмон тамға босиларди. Белгиланган иш ҳақидан ортқича даромад манбаи аниқланиб қолса борми, у ёғи терговда жавоб беришингизга тўғри келарди. Совет тузуми ҳукмрон пайтда иш

Ўз вақтида биз бу босқинчи ўташ жараёнида унга мослашдик ҳам. Бирок Оллоҳнинг иродаси билан дунё ўзгара бошлади. Мустақилликнинг майин ва хузурубаш шамоллари эса бошлаган дастлабки кезлардаёқ Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётга муносабат ўзгарди ва меҳнатга ҳақ тўлашдаги тенглаштириш қондасига кескин зарба берилди. Қўлингдан келган ҳунарингизни кўрсат ва шунга яраша бойлик орттир, дейдиган замон келди. Чунки халқ бойиса давлат бойийди. Давлат бойиса, унинг куч-қудрати ортади.

Назаримда мустақиллик нафақат биз мослашиб қолган тартиб-қоида ҳаёт тарзимизни, балки ду-

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

Яккабоғ туманининг энг сўлим гўшаси Қизилдарёнинг эгинасида И.Охунбоев номидаги болалар оромгоҳи жойлашган.

— Болаларнинг мириқиб дам олишларини ташкил қилиш мақсадида оромгоҳимизда бу йил 4 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди, - деди оромгоҳ директори А.Боқиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Шунингдек, оромгоҳ қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан жиҳозланди. Мавсумда бу ерда минг-

дан зиёд болалар мириқиб дам олишади.

А.Боқиевнинг таъкидлашича, оромгоҳда болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Кутубхона болажонларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланиб қолган. Шунингдек, бу ерда оромгоҳлараро спорт мусобақалари тез-тез ўтказилиб туради. Ўтаётган ҳар бир кун улар қалбига олам-олам завқ-шавқ бахшида этаётир.

Шарҳловчи минбари ЖОРЖ БУШНИНГ ТАШАББУСИ

Яқин Шарқдаги танглик ҳали ҳам халқаро ҳамжамият диққат эътиборидан тушгани йўқ. Аксинча, кейинги вақтларда кетма-кет уюштирилаётган террорчилик ҳаракатлари ва Исроил армиясининг жазо чоралари қурбонлар сонини кўпайтириб, Яқин Шарқ мавзусини янада долзарблаштирмоқда. Бундай вазиятда халқаро ҳамжамият ҳам, минтақадаги тинчлик жараёнига раҳнамолик қилаётган давлатлар ҳам бефарқ қараб туролмаслиги аниқ.

Кўни кеча АҚШ президенти Жорж Буш Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилиш борасида ўзининг янги таклифини эълон қилди. У Фаластин маъмуриятининг бошқарув органларини ислоҳ қилиш, яъни миллий маъмуриятга янги раҳбар сайлаш билан боғлиқ. Ж.Бушнинг таъкидлашича, раҳбарнинг ўзгариши мустақил Фаластин давлати ташкил топишининг ягона шартидир. Фаластин халқи янги йўлбошчи сайласа, янги институтлар ташкил этилса ва қўшнилари билан ҳавфсизлик бўйича янги шартномалар имзолансагина, Оқ уй бу давлатни қўллаб-қувватлаши мумкин.

АҚШ президенти аввал ҳам бир неча бор Ёсир Арофат ишончли оқламаётгани ва террорчиликка қарши курашга жиддий киришаётганини айтган эди. Ж.Бушнинг фикрича, биринчи босқичда Фаластин давлати вақтинчалик мустақил бўлади. Унинг чегараси ва мустақиллигининг бошқа мезонлари Яқин Шарқ муаммоси тўла ҳал қилингунга қадар муваққат ҳисобланади. Янги давлатнинг тузилиши учун жо-

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Андижон сановат хунара коллежи негизда ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази очилди.

КОЛЛЕЖДА МАРКАЗ

— Марказ вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ўқитувчиларига математика, физика, тарих ва ўзбек тили фанлари бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатади, - деди марказ директори, профессор Абдулхамид Нурманов. — Коллежда марказ очилдан мақсад, вилоятдаги академик лицей ва хунара коллежлари ўқитувчиларининг малакасини оширишдан иборат. Бу ерда улар Андижон давлат университети, шунингдек, Тошкент олий ўқув юртлирининг тажрибали олимларидан сабоқ олишади. Ушбу марказда энг яхши ўқитувчиларнинг тажрибаларини умумлаштирамиз, янги ўқув ва услубий қўлланмаларни яратиларига кўмаклашамиз.

Бозор шароитида айрим корхоналар ишни тўғри ташкил этиш мақсадида ҳаридорғир махсулотлар ишлаб чиқармаслиги оқибатида иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолиб, синишгача бормоқда. Бинобарин, иқтисодийнинг раванк топириш учун корхоналар фойда олиб, даромадни кўпайтириш омилларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиши керак. Акс ҳолда иш орқасга кетиб, ишловчиларнинг турмуш даражасига ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда қабул қилинишидан мақсад тўловга лаёқатсиз ва банкротлик ҳолатига келиб қолган юридик, жисмоний шахсларнинг синиш жараёнида юзасга келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

НОЧОР КОРХОНА банкрот деб топилди

Юридик ва жисмоний шахсларни банкрот деб эътироф этиш билан боғлиқ масалалар Фуқаролик кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солиб борилади. Бу каби тадбирлар суд-гача санация қилиш деб юритилади. Бунда қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритилгунга қадар амалиёти охирилади ва аҳволни ўнглаш, қийин шароитда қолган жамоа самарали фаолият юритиши учун шароитлар яратиш бериш мақсади кўзда тутилади. Қарздор корхонага санация қўлланиганидан кейин ҳам қутулган натижа бўлмаса, унга нисбатан банкротлик тамойили қўлланилади. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабини қондира олмаслик ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг удрасидан чиқа олмаслик инқирозий синиш белгиси ҳисобланади. Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Фуқаро-

Ислоҳот йўлидаги ғовлар

солиқ инспекцияси билан тузилган солиштирма далолатномаси бўйича давлат бюджетига бўлган 7,3 миллион сўм кредиторлик қарзлари санация муддати тугагунга қадар, яъни 12 ойга тўлов муддати узайтирилган. Шу билан бирга корхонага ҳисобланган 5,5 миллион сўмлик пенялар кўрсатиб ўтилган. Юқоридагиларни ҳисоба олиб, 2002 йил 1 январ ҳолатига бўлган

тўлади. Шундан сўнг, «Уй меҳнати» корхонаси мавжуд қарзларни, давлат бўжи, эълон ва суд ҳаракатлари тўлиқ қопланганини инobatга олиб, банкротликка доир юритилган ишни тўхтатиш хусусида ажрим қабул қилинди. Бундай ҳолатлар ҳали ҳаётда учраб турибди. Наманган вилояти Хўжалик судининг ҳал қилувчи қарорлари билан жорий йилнинг ўтган беш ойи ичида

тўлади. Шундан сўнг, «Уй меҳнати» корхонаси мавжуд қарзларни, давлат бўжи, эълон ва суд ҳаракатлари тўлиқ қопланганини инobatга олиб, банкротликка доир юритилган ишни тўхтатиш хусусида ажрим қабул қилинди. Бундай ҳолатлар ҳали ҳаётда учраб турибди. Наманган вилояти Хўжалик судининг ҳал қилувчи қарорлари билан жорий йилнинг ўтган беш ойи ичида

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» муҳбири.



ДУШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома»...

8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.15 Кўрсатувлар тартиби...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.35 «Вести» 16.50 «Дунё мамлакатлари»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби 16.35 «Вести»...

СЕШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

Телеальманах 14.50 Кундузги сеанс: «Нодир шахс»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.35 «Вести» 16.50 «ТВ-4да мусика»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.35 «Вести» 16.50 «Вақт хазинасидан»...

10.20 «Кичкина малика» Бадийий фильм...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.35 «Вести» 16.50 «Вақт хазинасидан»...

20.35 «Рус рулеткаси» 21.25 «Ишбилармон кишилар»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.35 «Вести» 16.50 «Вақт хазинасидан»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ РЖТ 6.30-8.00

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.20 «Мультичархпалак»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 «ТВ-4да мусика» 9.10 Е. Петросяннинг «Кулгу»...

Мусликий кўрсатув 11.40 Дўстлик видеоканали: «Ўзбекистон умумий уйимиз»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.20 «Эртақларнинг сехрли олами»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.35 «Лего - лэнд» Болалар учун телеуйин...



Айни пайтда ўнга яқин ривожланган давлатларда Ўзбекистонлик йигит ва қизлар ўз билим, тажриба ва кўникмаларини оширишга муваффақ бўлмоқда. Ёшларимиз орасида Жанубий Корея давлатига бориб ишлаш истагида бўлганлари ҳам оз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги талаб ва истаклардан келиб чиқиб, корейс давлатига бориб ишлаш истагида бўлган юртдошларимиз учун ҳўйла энгилликлар яратишга эътиборни қаратаёттир. Шу мақсадда Агентлик ушбу мамлакатдан ташир буюрган нуфузли

КОРЕЙС ТИЛИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ

комиссия вакиллари билан республикамизнинг саккиз вилоятдан келган ёшларнинг ноанъанавий учрашуви Бухорода ўтказишга қарор қилди. Унда асосан бир масала — кунчиқар мамлакатига бориб ишлаш истагида бўлган ёшларни корейс тилини нечоғлик

Истиқлол шарофати

пукта ўрганганликлари кўриб чиқилди. Корейс тили бўйича

вилоятлари ёшларининг энг сараларигагина ушбу мамлакатга бориб ишлаш ёхуд касб ўрганиш насиб этади.

Агентликнинг Бухоро вилояти вакилликдан олган маълумотларига кўра, танловда кўшни вилоятлардан келган ёшлар билан бирга 300 нафар бухороликлар ҳам иштирок этган. Энг муҳими, уларнинг барчасида корейс тилини ўрганганлиги хусусида сертификат бор.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

«Баҳор» концерт залида мохир рақс устаси, Ўзбекистон халқ артисти Исоҳор Оқилонинг хотира кечаси ўтказилди. Шoir дилидаги кечинмаларини шеъри билан ифодаласа, санъаткор кўшиги орқали изҳор этади, - деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исмаилов. Лекин шундай санъат тури борки, унга ҳеч қандай сўзининг ҳожаги йўқ. Рақс устасининг нозик ва жозибадор ҳаракатларидан унинг қалб тўғнларини англаб олиш кўйин эмас. Рақс ҳам барча санъат турлари сингари фидойиликни талаб этади. Шундай фидойи инсонлардан бири Исоҳор Оқилондир. У 1936 йили Мухиддин Қориевнинг қўлидан катта ашула ва рақс ансамблини ташкил қилган санъаткорлардан бири ҳисобланади.

ЙЎЛ БЎЙИДАГИ МОЙЧЕЧАК

Наманган вилояти ўзининг кўккаламзорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Косонсой туманининг Кўқимбой қишлоғида яшовчи уй бекаси Шахло Азизова ўтган йили қишда кўшнлари Малика Йўлчиева, Сабоҳат Максудова, Дилбар Хайтоваларни ёнига чорлаб, кўнглидагини ўртага ташлади:

— Ҳаммамизнинг ҳовлимиз катта йўл ёқасида бўлганлиги учун ўтган кетганинг назари тушади. Йўл бўйига мойчечак эксақ жуда чиройли бўлар эди-да! Бу гулнинг латифлигидан ташқари дориворлигини айтмай-сизми? Минг дардга даво бўлади.

Маслаҳат пишиди. Эрта баҳорда йигирмага яқин хонадон кўча юзасига қатор қилиб мойчечак гули экишди.

Шу кўнларда машинада ўтган ҳам, яёв юрган йўловчи ҳам ок гуллар олдида бир зум тўхтайдилар. Гуллар латофати кимни мафтун этмайди, дейсиз!

«Туркистон-пресс».

«Қорадори-2002»

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОНИ...

Республикамизда 1 майдан - 31 июнгача «Қорадори-2002» тадбири ўтказилмоқда. Ана шу тадбир доирасида Фарғона шаҳрида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилятир.

Шаҳардаги ҳар бир маҳалла, қорхона ва муассасалар, ўқув юртларида ички ишлар идоралари ходимлари иштирокида тарғибот, ушбу турдаги жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирлари олиб борилямоқда. Бу борада ИИБнинг жиноят кидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими қишдаги наркографик ва гиёҳванд моддалар билан қўнганга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлимига томонидан жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида бир қанча наркотик моддалар билан боғлиқ бўлган жиноятлар фoш этилди. Хусусан, бўлинма ходимла-

ри назорат харид савдоси орқали Фарғона шаҳрида қўшни Қирғизистон Республикасидан келган Х.М.ни 350 АҚШ доллари эвазига 29,5 мисқол героин моддасини сотаётган пайтда ашёвий далиллар билан қўлга олишди.

Энг ачинарлиси, оғуфрушлик билан шуғуллаётганлар орасида хотин-қизларнинг борлигидир. Айримлари эса бу борада ҳатто анча тажриба ҳам орттиришган. Ана шундай «тадбиркор» аёллардан бири М.А. муқаддам шу хатти-ҳаракати учун озодликдан маҳрум этилиб, «Амнистия тўғрисида»ги Фармондан сўнг муқаддатидан олдин озодликка чиққан эди. Бироқ, қилмишидан тўғри ху-

лоса чиқармаган аёл яна гиёҳванд модда сотаётган пайтда ушланди.

Жиноятга жазо муқаррар. Бу ҳақда бош деворга бориб урилганда эмас, аввалроқ ўйлаш лозим. Шундай экан, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари гиёҳвандликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашишни бир лаҳза ҳам тўхтатмайдилар. Айни кўнларда ИИБ ходимлари юртдошларимиз орасида кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар ва барча-барчани бу иллатга ўзаро ҳамкорликда барҳам беришга даъват этишмоқда. Чунки, гиёҳвандликнинг бошланиши ҳам, охири ҳам фожиа.

Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» мухбири.

Дунё микёсида энг қадимий ва бошқа касалликларга кўра кенг тарқалган, қадимги юнон шифокори Букрот (Гиппократ) ҳамда Рим ҳакими Гален ва юртдошимиз машҳур аллома Абу ибн Сино асарларида бу касалликнинг аниқ таърифи келтириб ўтилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кейинги пайтларда тарқатаётган маълумотларига қараганда, ҳар йили дунё микёсида 10 миллиондан ортиқ киши бу дардга чалинади. 3 миллиондан ортиқ инсонларнинг ҳар йили ҳаётдан кўз юмиши эса касалликнинг нақадар жиддий эканлигидан далолат бериб турибди.

Ҳар қандай касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул, албатта. Силга чалинган беморлар йўталганда ва аксирганда хасталик таёқчалари ҳавога тарқалади. Бу эса атрофдагиларга юқиш хавфини янада кучайтиради. Айниқса, силга чалинган ҳайвон ва паррандалар инфекция манбалари ҳисобланади. Микроблар асосан овқатлар, айниқса сут ва сут маҳ-

ХАСТАЛИКНИНГ КЕЛИШИ ОСОН

сулотларини яхши пийирмай ва қайнатмай истеъмол қилиш натижасида инсон организмига тушади. Чўпончи силга чалинган соғин сирининг бир литр сўтида 100 мингтагача сил таёқчалари мавжуд эканлигини унутмаслик лозим.

Бу касалликнинг ривожланиши эса организмнинг ҳимоя вази-

фасини бажарувчи имунитетга боғлиқ бўлади. Касалликнинг бошланғич даврида кўйидаги клиник белгилар кўзатилиши мумкин. 3 ҳафтадан ортиқ давр давомида йўтал, иштаха йўқлиги, озиш, кўкрак қафасида оғрик, терлаш, кам қувватлик, кечқурунлари ҳарорат кўтарилиши ҳоллари билан бир вақтда борабора қон тупуриш

ҳолатлари юзага келади. Бунда албатта вақтни ўтказмасдан мутахассис шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Ҳозирги кунда сил касалига қарши кураш бўйича самарали ишлар олиб борилятир. Айниқса ДОСТ (Бевосита назорат остида силни микроскопия усули билан аниқлаб, қисқа муддатли даволаш) дасту-

Олдиндан оққан сув... Ҳамма вақт ҳам унинг қадрига етамизми? Очигини, тан олайлик, бесабр кўнгил олисларни кўмсайди: Сочи, Адлер, Красноводск, Юрма-ла...

Лекин Мирокида бир марта бўлган киши умрбод бу гўша шайдосига айланади-да, имкон топди дегунча тўйиб-тўйиб нафас олиш ва ҳорғин вужудига тетиклик бахш этиш учун шу томон келаверади. Гўзал Шахрисабз заминининг энг мафтункор маъвоисида фаолият кўрсатаётган «Мироки» сикатгоҳининг қишин-ёзин файзу-латофатга тўла ҳолда гажум эканлиги ҳам шу боис.

Суратларда: бош ҳаким Тўлқин Турдиев (ўртада) дам олувчи ота-хонларга доривор ўсимликлар хусусида сўзлаб бермоқда. Бу ерда жисмоний тарбия машқлари орқали даволаш ҳам йўлга қўйилган.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

Гуруҳ баҳсларида ўзаро тўқнаш келган Бразилия ва Туркия жамоаларининг ярим финалда ҳам учрашаёғи маълум бўлгач, кўпни кўрган мутахассислар тўрт карра жаҳон чемпиони ворисларига ачиниш билан қараганлари бежиз эмас.

Бунинг ўз сири бор, албатта. Яъни, шу пайтгача ўтказилган ўн олти чемпионатда бор-йўғи тўрт ҳолатда бир гуруҳдан баҳсга киришган жамоалар ярим фи-

нал бўлган, ўша матчда икки турк футболчиси майдондан четлатилган, боз устига шубҳали пенальти туфайлигина Се-нол Гунеш шогирдлари мағлубиятга дучор қилин-

этган Рушту Раҷбер ҳам хал қилувчи аснода ожизлик қилди.

Бразилия — финалда! Шундай қилиб, 48 йилки бузилмай келаятган аънаа йўлига тўсиқ қўйилди ва жанубий америкаликлар учун Германия билан бўладиган баҳсда Жаҳон кубогини бешинчи марта уйларига олиб кетиш учун яхшигина имкон очилди.

БРАЗИЛИЯ – ФИНАЛДА

у бунга 48 йиллик аънанани бузиб эришди



нал ва финалда бир-бирларига қайта дуч келган, ва, энг қизиғи, ҳар сафар биринчи мат-чда голиб чиққан терма иккинчисида муваффақиятсизликка учраганди.

Дастлаб шундай ҳол 1954 йили содир бўлган эди. Гуруҳ баҳсида Германия устидан 8:3 ҳисобиде зафар қучган Венгрия термаси финалда айнан шу командага 2:3 ҳисобиде ўйинни бой бериб, қумуш медал билан қифояланишга мажбур бўлганди. Сўнг 1962, 1982 ва ниҳоят 1994 йилларда ҳам шундай манзара кузатилган эди. Буни қарангки, Осиё китъасида кечган чемпионат ҳам мухлис-ларга яна бир тўхфа инъом этди...

Маълумки, «С» гуруҳининг пешқадамлари ўртасидаги биринчи учрашув ҳакамларнинг айби билан бразилия-ликларнинг фойдасига

ган эди. Энди нима бўлади, ким голиб чиқади?

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, бу гал омад туркларга қулиб боқкиши керак эди. Эъти-роф этиш лозим, улар бунинг учун бутун учра-шув давомида астойдил ҳаракат қилдилар. Аммо 49-дақиқада Роналдо томонидан амалга оширил-ган унчалик кучли бўлма-ган, лекин айёрона зар-ба масалага нуқта қўйди. Ўзининг ажайиб дарвоза-бон эканлигини бутун ўйин давомида намойиш

яна ким билади, дей-сиз, эҳтимолки бунинг акси бўлиши ҳам мум-кин. У ҳолда оломлар худди бразилияликлар каби тўрт карра жаҳон чемпиони, деган унвон соҳибига айланадилар.

Буни биз 30 июн кўни Иокогама шаҳри-да бўладиган финал матчидан сўнг билиб оламиз. Унгача эса, Тэгу шаҳрида майдон эгалари Жанубий Ку-рия терма жамоаси Се-нол Гунеш шогирдлари билан учинчи ўрин учун беллашади. Гарчанд жаҳон чемпионатида йўлланмани Европа ҳисобидан олган эса-да, худудий жиҳатдан тўқсон фоиз осийлик бўлган турклар ва Жа-нубий Курия термала-рининг ушбу баҳси, шак-шубҳасиз, китъа-ба масалага нуқта қўйди. Муносиб улуш бўлиб қўшилиди, деб ўйлай-миз.

«ЖОНЛИ САЙЁРА»

Республикамизда фаолият кўрсатаётган болалар экологик клублари уюшмаси ўз атро-фига бир неча гуруҳ-ларни бирлаштирган. «Умид», «Ёш эколог», «Эремурус» болалар экологик клублари шулар жумласидандир. «Жонли сайёра» хал-қаро дастури доираси-да олиб борилятган изланишлар ҳам самара-ли бўлмоқда. Чўнон-чи, «Эремурус» клуби аъзоларининг изланиш-лари ҳам диққатга са-зovorдир. Босмага тай-ёрланган «Бухоро бугу-си» деб номланган ўқув-методик қўлланма клуб фаолиятида муҳим аҳамият касб этди.

«Жонли сайёра» дастури бўйича уюштирил-ган кўргазмага ушма-нининг барча аъзо таш-килотлари фаол қатна-шди. Зарафшон кўрғи-жонаси ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар кўпчиликка яхши таас-сурот қолдирди.

«Ёш эколог» клуби аъзолари тайёрлаган экспонатларда ўлкамиз-да ўсадиган ноёб да-рахтлар меваси ва уруғи намуналари на-мойиш қилинди. Бу ва-шунга ўхшаш изланиш-лар асосида уюшма ах-борот материаллари тўпламини тайёрлади. У ўқувчи ёшлар экологик тарбияси билан шуғул-ланувчи ўқитувчиларга яхши қўлланма бўлди.

А.АЛИЕВ.



Таралади қўшиқ куйга чулғаниб...

Шифокор маслаҳати

да вақтни ўтказмас-дан, шифокорларга учраб кўкрак қафаси-ни флюорография қил-дириш лозим. Мазкур касаллик билан оғри-ган беморлар эса ав-вало даволанишни охирига етказиш-лари, иммунитет систе-мани кучайтирадиган сабзавот ва мевалар истеъмол қилишлари, ўз вақтида овқатла-нишлари, спорт би-лан шуғулланиб, нар-котик ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан йироқ бўлишлари керак.

Саломатлик ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Шундай экан, касал-лик аломатлари пайдо бўлган, яъни сурунка-ли йўтал юз берган, шамоллашга қарши ишлатиладиган дори-дармонлар таъсир қилмай қўйган тақдир-

Машариф ОТАЖОНОВ, Ҳоразм вилоят силга қарши кураш диспансери бош шифокори, тиббий фанлари номзоди, Бахтиёр НАЗАРОВ, олий тоифали шифокор, диспансер бўлим бошлиғи.